

# Росулulloҳнинг ёшлари ҳақида келган ҳадислар баёни.

## ﴿باب ما جاء في سن رسول الله﴾

صلى الله عليه وسلم

[ الأوزبكي – Uzbek – Узбекча ]

**Абу Ийсо Муҳаммад ибн Ийсо Термизий**

**Таржимон: Абдуллоҳ Шариф**

**Нашрга тайёрловчи: Шамсиддин Дарзомий**

2009 - 1430

islamhouse.com

# ﴿باب ما جاء في سن رسول الله﴾

صلى الله عليه وسلم

« باللغة الأوزبكية »

أبو عيسى محمد بن عيسى الترمذي

ترجمة: عبد الله شريف

تحرير: شمس الدين درغامي

2009 - 1430

islamhouse.com

## بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الحمد لله رب العالمين، والصلاة والسلام على سيدنا محمد، وعلى آله وصحبه أجمعين  
أما بعد:

Ассалому алайкум вараҳматуллоҳи вабаракотуҳ! Ҳурматли ва азиз мўмин биродарлар бу "шамоили муҳаммадия"дан ўттиз иккинчи дарсимиз бўлиб, бу дарсимизда Пайғамбар алайҳиссаломнинг яшаб ўтган ёшларини баён қилган бобнинг ҳадислари билан танишамиз иншааллоҳ!

( 53 ) باب ما جاء في سن رسول الله صلى الله عليه وسلم

وفيه ( 6 ) أحاديث

Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ёшларининг баёни ҳақидаги боб. Бу бобда олти ҳадис ривоят қилинади.

378 - حدثنا أحمد بن منيع ثنا روح بن عبادة ثنا زكريا بن إسحاق ثنا عمرو بن دينا ر عن ابن عباس قال مكث النبي بمكة ثلاث عشرة سنة يوحى إليه وبالمدينة عشرا وتوفي وهو ابن ثلاث

وستين

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, айтадиларки: "Пайғамбар алайҳиссалом, Маккада ўн уч йил турдилар, шу аснода у зотга ваҳий нозил бўлиб турди. Мадинада эса ўн йил бўлдилар ва олтимиш уч ёшларида вафот қилдилар".

379 - حدثنا محمد بن بشار ثنا محمد بن جعفر عن شعبة عن أبي إسحاق عن عامر بن سعد عن جرير عن معاوية انه سمعه يخطب قال مات رسول الله وهو ابن ثلاث وستين وأبو بكر وعمر وأنا

ابن ثلاث وستين

Муовия розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, у киши хутбада шундай -деган эканлар: "Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам, Абу Бакр ва Умар ҳам олтимиш уч ёшларида вафот қилган эдилар. Мен ҳам ҳозир шу ёшда" –*дунёдан кўз юммоқдаман.*

380 - حدثنا حسين بن مهدي البصري ثنا عبد الرزاق عن ابن جريج عن الزهري عن عروة عن عائشة أن النبي مات وهو ابن ثلاث وستين سنة

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади, айтадиларки: "Пайғамбар алайҳиссалом олтмиш уч ёшларида вафот этган эдилар".

381 - حدثنا أحمد بن منيع ويعقوب بن إبراهيم الد و رقي قال ثنا إسماعيل بن عليّة عن خالد الحذاء حدثني عمار مولى بني هاشم قال سمعت ابن عباس يقول توفي رسول الله وهو ابن خمس وستين

Ибн Аббосдан ривоят қилинади, айтадиларки: "Росулulloҳ саллалллоҳу алайҳи васаллам олтмиш беш ёшларида вафот қилганлар".

**Изоҳ:** Арабларнинг ҳисоб одатларида жабр ва каср -деган қоида бор эди. Китобнинг аввалида ҳам буни зикр қилган эдик. Шунга кўра бу ерда ҳам ровий жабр қоидасини ишлатган.

382 - حدثنا محمد بن بشار ومحمد بن أبان قالا ثنا معاذ بن هشام حدثني أبي عن قتادة عن الحسن عن دغفل بن حنظلة أن النبي قبض وهو ابن خمس وستين

Дағфал ибн Ҳанзаладан ривоят қилинади, айтадиларки: "Пайғамбар алайҳиссалом олтмиш беш ёшга кирганларида, руҳи поклари олинди".

383 - حدثنا إسحاق بن موسى الأنصاري ثنا معن ثنا مالك بن أنس عن ربيعة بن أبي عبد الرحمن عن أنس بن مالك انه سمعه يقول كان رسول الله ليس بالطويل البائن ولا بالقصير ولا بالأبيض الأمهق ولا بالأدم ولا بالجعد القلط ولا بالسبط بعثه الله تعالى على رأس أربعين سنة فأقام بمكة عشر سنين وبالمدينة عشر سنين وتوفاه الله تعالى على رأس ستين سنة وليس في رأسه ولحيته عشرون شعرة بيضاء

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, айтадиларки: "Росулulloҳ саллалллоҳу алайҳи васаллам ҳаддан ташқари баланд ҳам, паст бўйлик ҳам бўлмаган эдилар. Юзлари ниҳоятда оппоқ ҳам эмас, қорамтир ҳам бўлмаган сочлари ўртача қаттиқ қўнғироқ ҳам эмас, ўта силлиқ ҳам бўлмаган. Оллоҳ таоло у зотни қирқ ёшларида пайғамбар қилиб олди. Маккада ўн йил, минада ўн йил истиқомат қилдилар, олтмиш ёшда вафот этдилар, шунда соч соқолларига йигирма дона оқ ораламаган эди".

**Изоҳ:** Бу ҳадисда ҳам ровий, айнан аввалги ҳадисдаги услубни қўллади, лекин бунда каср қоидасини ишлатиб, олтмишдан, уч ёшни ҳазф қилди.

384 - حدثنا قتيبة بن سعيد عن مالك بن أنس عن ربيعة بن أبي عبد الرحمن عن أنس بن مالك

نحوه

Яна бу ҳадис Анас розияллоҳу анҳудан бошқа иснод билан ҳам ривоят қилинган экан.

**Изоҳ:** бошқа ривоятларда келишича, Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам, умматимнинг умри олтмиш билан етмишининг ўртасидадир. Камдан камлари бу ёшдан ўтадилар! -деб марҳамат қилган эдилар. Ва яна бошқа ҳадисда олтмиш ёшга кирган одам учун, Оллоҳ таоло ҳеч қандай узр қолдирмади. –яъни ўйин-кулги, лаҳв, бекорчилик, сабсатавозлик ва ҳар қандай бемаъничилик қилишга ўрин йўқ! Балки фойдали ишларни ҳам энг аълосини танлаб амал қилиш лаҳзалари келди. Сафар вақти келди, имтиҳон яқин қолди. Энди бундан буён, ақлли киши ўтмишида қилган гуноҳларига тавба-тазаррулар қилиб, озми кўпми қолган умрини бефойда ўтказмасликка ҳаракат қилиши керак! – деганларидир.

**Салафлар айтадиларки:** "Бизнинг давримизда агар киши қирқ ёшга кирса, ўйи-фикри охират бўлиб қолиб, астойдил ибодатга бел боғлар эди".

Ҳа! Умр анашундай қисқа экан, бу озгина муддат ичида, мангу ҳаёт учун манфаатли ишлар қилиб олиш керак. Оллоҳ таоло барчаларимизни эзгули амаллар қилишга насиб этсин!

وآخر دعوانا أن الحمد لله رب العالمين